

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (11.449)

Баҳоси эркин нарҳда



ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

Бири-бирдан кўркам, жозибали миллий ҳунармандчилик буюмлари ўзининг бетакрорлиги билан кўрган кўзларни қувнатиши баробарида ота-боболаримиз ҳунарини давом эттириб, ташаббус билан ижодий изланаётган уста ҳунармандларимиз иқтидорини ёрқин намоеън этади.

Ёғоч ўймакорлигининг Тошкент йўналишидан фойдаланиб маҳсулотлар тайёрлаётган Файзулла Юсупхўжаев ана шундай усталар сирасидандир. Юсупхўжаевлар сулоласининг вакили бўлган ёш уста ёғоч ўймакорлиги сирларини мукамал ўрганишга эришмоқдаки, бу нафақат унинг ижодий изланишлари натижаси бўлган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларида, балки кўргазма, кўрик-танловлардаги му-

«Мустақиллик биз учун — ўзликимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ваффақиятларида ҳам аксини топмоқда. У Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг пойтахт босқичида «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди. Танловнинг республика босқичида шахримиз шарафини ҳимоя қилган Файзулла «Энг яхши устоз-шогирд мактабини ташкил этганлиги учун» номинацияси ғолиби бўлди.

Бу менинг она шахрим тўйига муносиб тўхфам бўлади, — дейди уста фахр билан. У жорий йилда маҳсулотлари турини 70 хилдан ошириб, шогирдлари сафини 40 нафарга етказишни мақсад қилган.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: иқтидорли ҳунар эгаси Файзулла Юсупхўжаев ўз маҳсулотини намойиш этмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истаклари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги юксак ҳурмат, ишонч ва мустақам дўстлик тамойилларига асосланган алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади. Асрлар давомида синалган ўзаро дўстона муносабатлар мамлакатингиз мустақилликка эришганидан кейин янги мазмун касб этиб, жадал тараққий эта бошлади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов давлат ташири билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингх Ўзбекистонга таширф буюрди. Бу таширфлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини йил сайин кенгайтиб бормоқда. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий-маданий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол иш юритиши учун яратилган қулай сармоявий муҳит ҳамда кенг имтиёз ва имкониятлар Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Мамлакатингизда хинд сармоядорлари иштирокида кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎЗА мухбири Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.

— Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар самараларида юксак му-

гулик улкан ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда мамлакатингиз муваффақиятли ташқи сиёсати ва юқори тараққиёт да-

Жаҳонга доврўғи кетган мажмура халқаро фестивалда Ҳиндистонлик созанда ва хонандаларнинг иштироки анъанага айланган.

— Жорий йил мамлакатимизда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Пойтахтимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

— Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сўнгги йилларда Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашди. Эски бинолар ўрнига янгиликлар қад ростланди. Замонавий, муҳташам осмонўпар иморатлар ва мажмуалар шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда. Президент Ислоом Каримовнинг пойтахтингизни жаҳоннинг юксак тараққий этган, энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш борасидаги эзгу ишларига ҳавас қилса арзийди.

ЎЗА мухбири
Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди

Манал Шах АЛКАДРИ: ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАМЛАКАТ

мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар имзоланган, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг ўзаро ҳамкорлиги минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, икки мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қилаётди.

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

ваффақиятларга эришди. Ўзбекистон — жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган мамлакат. Юртингиздаги айрим муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидалар истиқлолдан олдинги каровсизлик ва эътиборсизлик оқибатида вайронга айланган эди. Халқингиз Ислоом Каримов раҳнамолигида қисқа муддатда ажодлардан қолган бой маданият ва маънавий меросни асл ҳолида тиклаш, кўз қорачиқдек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас қилса арзи-

ражаси билан халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофи ва эътиборига сазовор бўлди.

— Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали жаҳон мусиқачиларини бир жойга тўплаш баробарида турли халқлар маданий меросини янада бойитишга хизмат қилаётди. У, шунингдек, санъат арбоблари ва бир-бирининг ижоди билан яқиндан танишиш ва мулоқотда бўлиш имконини бермоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ЮНИСЕФнинг республикамиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат режасининг мамлакатимизда ижро этилишига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

● Намангандаги учта олий ўқув юрти талабаларидан ташкил топган «Бунёдкор — 2009» меҳнат отрядлари вилоятдаги қурилиш иншоотларига йўл олишди. Кўнгилли равишда гуруҳларга уюшган 111 нафар ёшлар таътил кунларини ўз мутахассисликлари билан боғлиқ бўлган қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўтказишди.

● Фарғонада давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларига бағишланган тренинг бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида ташкил этилган «Футболимиз келажаги» республика турнирининг минтақавий босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ёш футболчилари ғалаба учун кураш олиб борди.

● «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ҳамда унинг туманлардаги бўлимларига 7 та «HUNDAI» русумли «Тез ёрдам» машинаси ва 15 та «Дамас» русумли машиналар берилди.

● «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Навоий вилоятидаги Хўжа Ҳасан қишлоғида янги гузар, тўй тантаналарини ўтказиш учун зал ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари фойдаланишга топширилди. Вилоятдаги Гардиён қишлоғи фуқаролар йиғинида эса шу каби замонавий гузар ва тантанали маросимларни ўтказиш учун залнинг қурилиши ниҳоясига етмоқда.

● Андижон шаҳрининг «Сой» маҳалласида янги «София» тантаналар саройи ўз эдиқларини очди. Саройдан жой олган 500 ўринли кенг, катта зал, миллий таомлар ошхонаси, мебель салони кўркамлиги билан диққатни тортади.

ЖАҲОНДА

● Россиянинг Новороссийск шаҳрида курулди қўлларнинг «Кавказ — 2009» йиғинлари бўлиб ўтди.

● Сомали жангарилари Могадишодаги меҳмонхоналардан бирига бостириб кириб, икки француз журналистини ўғирлаб кетганлар. Ҳозирда қидирув ишлари жадал сурьатларда олиб борилмоқда.

● Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида бир ҳафтадан буён тинмай ёғаётган ёмғир кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқарди. Табиий офат, айниқса Сичуан музофотида катта талафотларга сабаб бўлмоқда. Бу ерда 166 та қишлоққа жиддий зарар етган, 22 киши ҳалок бўлган, 89 киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Худудда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

● АҚШнинг Фарбий Виржиния штатининг Чарлстон шаҳри аэропортида ҳавода шикастланган «Боинг-737» ҳаво лайнери фавқулодда қўнишни амалга оширди. Таъкидлаш керакки, 9 минг метр баландликда самолёт фюзеляжининг ўрта қисмида 30 сантиметр ҳажмидаги тешик ҳосил бўлган. Қўниш чоғида самолётдаги 131 нафар кишидан ҳеч бирига шикаст етмаган.

● Россиянинг Екатеринбург шаҳрида «Кўнғироқ садоси» фестивали ташкил этилди.

● Европанин 12 та йирик компанияси қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган электр станциялари қуриш лойиҳаси устида иш бошлади. Бунинг учун 400 миллиард евро миқдорда маблағ сарфлаш режалаштирилган. Лойиҳа якунига етказилса, Европа қитъасидаги электр манбаига бўлган умумий талабнинг 15 фоизини таъминлаш имконияти юзага келади.

● Австралияда дунёдаги энг узун бўлган гольф майдонининг қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Майдоннинг узунлиги деярли 1370 километр бўлиб, у учта соат белбоғида жойлашган ва мамлакат жанубидаги иккита штат ҳудудини ўзига қамраб олган. Тўп тушириладиган ҳар бир чуқурчанин ғўзи бир-бирдан 80 километр узоқликда жойлашган.

● Ўрта Ер денгизи тубида ғайритабиий никоҳ маросими бўлиб ўтди. Яъни тунислик ёш келин-куёвлар ўз никоҳдан ўтиш маросимларини яқинлари билан сув ости кийимларида шу ерда нишонладилар. Бундай ғаройиб тантана ёшларга 1,5 миллион долларга тушди.

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА**
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шахримизда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг моҳиятига бағишлаб ҳуқуқшунослар, солиқ идоралари ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат патент идорасида ўтказилган тадбирда интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

✓ **БУГУН** «Алоқачи» ёзги болалар соғломлаштириш оромоҳида иккинчи мавсум ёпилишига бағишлаб Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ташкил этилган адабий кеча ва концерт дастури «Биз яна учрашамиз» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 218-мактаб қошидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромоҳида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказилган «Ёз — ўтмоқда соз» мавзудаги тадбир ва «Кувноқ» спорт мусобақалари туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

